
ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФУТБОЛИНИ ЯҶОНА ТИЗИМДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАТАРНИНГ “АЛ-САДД” ЖАМОАСИДА КЎП ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ТЕХНИК ДИРЕКТОР ВА МУРАББИЙЛИК ҚИЛГАН РИДВАН ЛХБИБАНИ РАҶБАРЛИК ҚИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, Қатарнинг “Ал-Садд” жамоасида кўп йиллар давомида техник директор ва мураббийлик қилган, бельгиялик Ридван Лхбибанини қабул қилди.

Фарғона вилоятида барча футбол бўйича спорт мактаблари фаолиятини янги босқичга кўтариш ва улар учун умумлашган тизимни шакллантириш, барча мураббийлар учун ягона тактикага асосланган методикани ишлаб чиқиш, “Нефтчи” жамоаси учун юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш ва асосий таркибгача уларни етиштириш ишларига раҳбарлик қилиш учун юқори малакали ва катта тажрибали хорижий мутахассис сифатида Ридван Лхбибани вилоятимизга таклиф қилинмоқда.

Бугунги учрашувда бельгиялик мутахассис, бу борадаги ўз режалари, методикаси ҳамда белгиланган мақсадларга эришиш учун лозим бўлган ташкилий ишлар юзасидан батафсил тақдирот ўтказди. “Яхши пойдеворсиз яхши уй қуриб бўлмади” деб ўз сўзини бошлаган Лхбибани, футбол ривожланган барча мамлакатларда болалар ва ўсмирлар футболга биринчи эътибор қаратилганини қайд этди. Ўзининг вилоятимиздаги дастлабки таассуротлари билан ўртоқлашган мураббий, қатор иқтидорли ёш юлдузларни ўзи учун кашф этганини айтиб ўтди.

Вилоятдаги футбол мураббийларини қайта тайёрлаш, уларнинг фаолиятини доимий мувофиқлаштириб бориш, футбол мактаблари учун ҳар бир ёш тоифасига мўлжалланган тактикалар ишлаб чиқиш, оммавий футболни ривожлантириш, ёш иқтидорларни бугунги жаҳон футболни талабларига профессионал футболчилар этиш ўстириш борасида ўз қарашларини баён этган Ридван Лхбибани, ўзининг “Ал-Садд” жамоасидаги 14 йиллик тажрибаси ҳақида ҳам тўхталиб, айнан ёш футболчиларни тайёрлаш тизимига берилган эътибор туфайли жамоа академияси битирувчиларидан 12 нафар футболчи Қатар терма жамоаси сафида тўп суришганини таъкидлади.

Ридван Лхбибани ва унинг ёрдамчилари учун молиявий шартлар ҳамда тақдим этилган режа асосида вилоятимизда футболни ривожлантириш учун лозим бўлган инфратузилма юзасидан музокараларни яқин кунларда давом эттиришга келишиб олинди.

Учрашувда “Нефтчи” ПФК бош директори Мансурбек Тошматов, бош мураббийи Виталий Левченко, вилоят футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Носирбек Отақўзиев иштирок этдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-29 23:14:58